

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
13 апрель
ЧОРШАНБА
№ 30 (12874)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Жараён

Табиийки, шундай имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай, кимдир бизнес режасини тўғри тузиш ва расмийлаштириш, айримлар рўйхатдан ўтиш ёки рухсат берувчи лицензия олиш, яна кимдир бошланғич маблағ топиш ёки коммуникация тармоқларига уланиш, бошқаси маҳсулот учун сертификат олиш жараёнида зарур маслаҳатга муҳтож бўлиши ёки бирон муаммога дуч келиши мумкин.

– Бошқарма ва унинг жойлардаги бизнес марказлари мутахассислари шундай вазиятларда тадбиркорларга ёрдам беришга тайёр туришлари шарт, – дейди Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Файзулла Маманов. – Шу мақсадда туман ва шаҳарларда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиш ҳолати сўрономалар орқали мунтазам ўрганилмоқда. Айтиш керакки, тадбиркорлар билимини оширишга қаратилган ишлар, жумладан, ҳафтанинг ҳар жума кунини мамлакат миқёсида ўтказилаётган "Тадбиркорлар кунини" яхши самара бермоқда. Ўтган йили ушбу тадбирларда 8255 тадбиркор иштирок этиб, улардан тушган 1719 та муносабат юзасидан зарур маслаҳатлар берилди ва тегишли ташкилотлар орқали ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, жойларда тадбиркорлар учун ташкил этилаётган тўғридан-тўғри мулоқотлар ҳам мавжуд

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жалб этиш, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш,

КИЧИК БИЗНЕС:

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ



муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топишга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2015 йил давомида бошқарма ҳамда туман ва шаҳарлардаги ахборот-маслаҳат марказлари орқали тадбиркорлик

субъектларига таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоботларини шакллантириш, бизнес режаларни ишлаб чиқиш, суғурта хизматлари ва тадбиркорлик субъектларини электрон

иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг хорижий шериклар билан алоқаларини йўлга қўйиш орқали экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

тарзда рўйхатдан ўтишга қўмаклашиш бўйича 7091 дан ортиқ ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдамлари кўрсатилди. Тадбиркорларнинг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш мақсадида "Интернетдан

самарали фойдаланиш", "Электрон бухгалтерия ҳисобини олиб бориш" ва "Молия ҳисоботларини электрон онлайн тарзда топириш" йўналишида курслар ташкил этилди.

Давоми 2-бетда. ➡

Доимий комиссиялар ҳаётидан

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2016 йил 15 мартда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳамда "Тошкент вилояти туман ва шаҳар марказларида замонавий "Китоб олами" мажмуаларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳофиза этилди.

ҚАРОРНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС



Шу масала юзасидан сўзга чиққан доимий комиссия раиси З. Эралиева ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантириш бугунги энг устувор вазифалардан бири эканлигини, бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар қўламини янада жонлан-тиришда сессияда қабул қилинган қарор алоҳида долзарблик касб этишини таъкидлади.

Комиссия йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашда депутатларнинг фаоллигини кучайтириш, қайд этилган муаммо ва камчиликлар юзасидан доимий мониторинг юритиш ҳамда масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб боришни янада фаолроқ

ташкил этиш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

– Сессияларда қабул қилинаётган қарорларни ҳаётга изчил татибқ этиш, ижроси юзасидан назоратни бўшаширмаслик биз – депутатларнинг биринчи галдаги вазифамиздир, – дейди доимий комиссия аъзоси А. Сайдуллаев. – Бу борада доимий комиссиямиз аниқ режа асосида тизимли фаолият олиб бормоқда. Бу жараёнга ижтимоий институтлар ва оммавий ахборот воситаларини ҳам кенг жалб этаёلمиз.

Йиғилишда, шунингдек, йилнинг биринчи чорага якунлари бўйича комиссия аъзоларининг иш фаолияти таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. **Ўз муҳбиримиз. Даврон АХМАД** олган сурат.

ДАҲОЛАРНИНГ АВЛОДИ ҲАМ ДАҲО БЎЛАДИ

Тўйтепа шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан ёшлар анжумани бўлиб ўтди. У

вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Туман ва шаҳарларимиздан ташриф буюрган навқирон авлод вакиллари – бир гуруҳ иқтидорли, фаол ва ташаббускор ёшлар анжуманининг асосий иштирокчиси бўлишди.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўзининг эртанги ис-

тиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Жисмонан баркамол, маънан етук, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси мустаҳкам авлоднинг вояга етказиётган мамлакатнинг эртаси ёруғ, келажаги нурафшон бўлади.

Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Давоми 4-бетда. ➡

Маънавият

Аёлни миллат тарбиячиси, дейишади. Зеро, у кўп жиҳатдан миллатнинг келажagini, истиқболини белгилаб берувчи зотдир. Уйим - жойим, оилам, болам-чакам дейдиган хотин-қизларимиз чинакамига вафодорлик, оқилалик, меҳрибонлик тимсолидир.

Тарихдан маълумки, буюк бобокалонларимизнинг оналари ўқимишли, маърифатли бўлишган. Ибн Сино онаси Ситорабону, Баҳроуддин Нақшбанд волидаси Биби Орифа, Муҳаммад Аминхўжа Муҳимий онаси Ойшабиби, Мунавварқори Абдурашидхон онаси Хосиятхон отин, Абдурауф Фитрат онаси Бибижон, Исоқхон Ибрат онаси Хурибиби ая-

дан биринчи тарбияни олиб, жаҳон илм-фани, маданиятига улкан ҳисса қўшганликлари кўпчиликка аён.

Бинобарин аёл, авваламбор, "она" сифатида улуғланади. Она мурғак гўдагини парваришлаб, вояга етказаркан, тар-

га ҳатто тил бормади... Айрим аёлларимизнинг маънавиятимизга мутлақо зид бўлган, ўзининг бузғунчи кирдикор-

ОЙ ЮЗИДАГИ ДОҒЛАР

Шунинг учун ҳам миллат тақдири ҳақида қайғурар экан, Юртбошимиз: "Аёллар учун ижтимоий фаолият билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлоднинг вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир", деб таъкидлайдилар.

Бияга қўшиб унга оламининг жамики меҳрини, қалб кўрини ато этади. Фарзанди, дилбанди учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдир бизнинг оналар. Шу сабаб бўлса керак, жаннат оналар оёғи остига тўшалган. Минг афсуски, бу буюк номга доғ тушираётган аёллар ҳам учраб турадики, уларни "она" деб аташ-

ларини амалга ошириш учун аёллардан фойдаланишни қўлай билган ҳар хил ёвуз гуруҳларга аъзо бўлиб, номақбул ишларга қўл уриши на аёллик, на оналик, на рафиқалик шаънига тўғри келади. Энг аянчлики шундаки, соф диний манбалар ва диний ақидалардан умуман хабари йўқ аёлларга маъно-мазмунли буткул

ўзгартирилган, гаразли ғоялар билан тўлдирилган турли оят ва ҳадисларни сингдириб, жаннатдан жой "ваъда қилиб", уларни қабохатга, тубанликка, разолатга бошлайдилар. Олдин ваъда берилган бўлса, кейин улар онгига жиҳод деб аталмиш, гўёки "муқаддас уриш"га мажбур эканликлари сингдирилади.

Баъзи аёллар ўзининг ишонувчанлиги, итоаткорлиги оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмади, оила-сини, фарзандларини бир умрлик иснодга қўяди, жория қилиб сотилади ва яна бир қанча уқубатларга гирифтор бўлади. Энг ёмони, одам ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, Ватанига хоинлик, ёвузлик қилишгача боради.

Давоми 3-бетда. ➡

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифи биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев 2016 йил 14-15 апрель кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоригр ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, "Ўзбекқозқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекқозқовқатзахира" уюшмасининг 2016 йилги ҳосилдан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмасини жорий этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси:

"Ўзбекқозқовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибига қирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан барқарор таъминлаш;

ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага гамлаш; ташқи бозорларда харидоригр бўлган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ушбу маҳсу-

лотларга нисбатан талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

2. Вилоят ва туман ҳўкимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳудудий бошқарма ва бўлимларига фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажми бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва улар томонидан тузилган контрактация шартномалари бажарилишини мониторинг қилиш;

"Ўзбекқозқовқатхолдинг" холдинг компаниясига ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш;

"Ўзбекқозқовқатзахира" уюшмасига қиш-баҳор мавсуми учун ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни гамлаш;

"Ўзагроэкспорт" иختисослаштирилган ташқи савдо компаниясига ҳўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазифалари ва масъулияти юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмаси доирасида: маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар – фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ва истеъмолчилар – "Ўзбекқозқовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибига қирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади;

Давоми 2-бетда. ➡

Қулайлик

Зангиота агро-сервис касб-ҳўнаро коллежининг тикувчилик йўналиши битирувчилари энди иш излаб узоққа бормайдилар.

ЧЕВАРЛАРГА АТАГАН

Сабаби, Зангиота қишлоғи ҳудудида жойлашган "Альфа текстиль" корхонасида 100 га яқин янги иш ўрни очилди. Ҳозирнинг ўзида корхона билан 12 та битирувчи шартнома имзолаган.

Шунингдек, қишлоқнинг "Ўрта" маҳалласида истиқомат қилувчи Боир Қўрғонов ҳам кичик чеварлик корхонаси очгани маҳаллий чеварлар учун қўшимча иш жойлари тақлиф этиш бораборида аҳолига катта қулайлик яратди.

Нозима АРСЛОНОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига

2016 ОБУНА давом этмоқда! йил учун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ҲОИМЛИКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон хўжаликларида қилинган, бозор нархларида харид қилинади;

хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари "Ўзгрозэкспорт" ихтисослаштирилган ташки савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузилган комиссия шартномалари бўйича экспорт қилинади; хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини комиссия шартномалари асосида экспорт қилишда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмаслиги лозим;

куртилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга олдиндан 100 фоиз тўлаш ёки аккредитив очиб ёхуд харидорнинг молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган энг ишончли банклар кафолати билан, хўл мева-сабзавот маҳсулотлари эса олдиндан камида 30 фоиз тўлаш шартлари асосида етказиб берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисидаги Низом;

хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда экспортдан валюта тушумининг кафолати ва унинг белгиланган миқдорда мажбурий сотилишини таъминлайдиган нормалар кўзда тутилсин.

4. 2016 йил учун хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича дав-

лат буюртмаси 1-иловага мувофиқ; 2016 йил учун давлат буюртмаси асосида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш ва ишлатилиши баланси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги 2505-қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига (Ш. Мирзиёев) зарур ҳолларда жаҳон бозоридagi конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажмидан келиб чиқиб, баланс параметрларига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига баланс ижроси ҳақида маълумот тақдим этсин.

5. Махсус ташкил этилган ишчи гуруҳлари жойларга чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни тўлиқ инвентаризациядан ўтказгани, уларнинг барчаси хусусий мулк шаклидаги корхоналар эканлиги ва уларнинг ақсариёти замонавий технология ускуналари билан жиҳозлангани маълумот учун қабул қилинсин.

"Ўзбек-оққовқатхолдинг" холдинг компанияси ўтказилган инвентаризация асосида уч ой муддатда мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш ва ташки бозорда рақобатбардор сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган қайта ишлаш корхоналарини янада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий қадоқлаш буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир аниқ тақлифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ташки иқти-

содий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, "Ўзбек-оққовқатхолдинг" холдинг компанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда жалб қилган ҳолда шу йилнинг май ойида етакчи хорижий ишлаб чиқариш компаниялари ва уларнинг дилерлари иштирокида хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар ҳамда технологияларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилсин.

6. 2019 йилнинг 1 январига: мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари);

"Ўзбек-оққовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибига киратилган қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсади фондларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандга мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлардан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун мақсади фойдаланилиши лозим. Бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда улар қайтариб олинб, бюджет ва тегишли давлат мақсади фондларига ўтказилади.

7. Иқтисодий вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,

Молия вазирлиги, "Ўзгрозэкспорт" компанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг;

жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида 2016 йилги хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш;

Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган майдонни ташкил этиш ва унинг базасида ҳар йили октябрь ойида келгуси йил учун экспорт шартномалари тузишни ташкил қилиш мақсадида хорижий компанияларнинг фаол иштирокида ярмарка тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ҳар йили ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

8. Тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бўнак ва ақсони хўш-китоблар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбек-оққовқатхолдинг" холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ишлаб чиқарувчи хўжаликлар тоифасига қараб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни етиштириш ҳамда контрактация шартномалари асосида харид қилиш ҳажми бўйича статистик ҳисоботларни танқидий кўриб чиқсин ва бу борада халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда янги статистик ҳисоботлар шакллари билан белгиланган тартибда тасдиқласин ва уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, тегишли статистика органларига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзбек-оққовқатхолдинг" холдинг компанияси билан биргаликда 2016 йилнинг 1 майига қадар хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, "Ўзбек-оққовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбек-оққовқатзаҳира" уюшмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 апрель.

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

Вилоят ҳокимлигида жорий йилнинг 31 март – 1 апрель кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга бағишланган семинар ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлигида ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Семинар ишига Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман кенгашлари қошидаги доимий комиссиялар раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, тегишли бошқарма ва ташкилот мутасаддилари, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди. Шунингдек, жойларда сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий вакиллик органлари депутатлари, таълим муассасалари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар.

Анжумани вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Эргашовда олиб борди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров мамлакатимизда қонун ижодкорлиги борасида қўлга киритилган ютуқлар, бу борада жаҳон эътирофи эгаси тажрибали ҳақида фикр юритиб, бешинчи ялпи мажлисда қўриб чиқилган масалалар ва маълум қонун ҳамда қарорларнинг мазмун-моҳиятини мухтасар шарҳлаб берди.

Олий Мажлиси Сенати аъзоси М. Ворисова, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Л. Мусашайхов, молия бошқармаси бошлиғи Д. Ўбайдуллаев ва бошқалар ялпи мажлис кун тартибидан ўрин ол-

ган масалалар, маълум қонунлар, хусусан "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йилдаги фаолиятларида доир ҳисоботлари теварагида фикр юритишди.

Бугун ижро ҳокимиятининг вакиллик органи олдидаги масъулиятини юксалтириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Киёфат Эрмухамедова. – Сенаторлар томонидан маълум қонун "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун ҳам шу йўналишдаги сайёҳ-ҳаракатларнинг мантйқий давоми ҳисобланади. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ижроси устидан парламент назоратини рўйб-га чиқаришнинг ягона механизми мустақамлангани, у давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда масъулиятини оширишга йўналтирилгани, айниқса, эътиборлидир.

Ишчан ва амалий руҳда ўтган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўпгина масалалар юзасидан муҳим маълумотларга эга бўлишди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ЎКТАМ ЙИГИТЛАР ШИЖОАТИ

Чирчиқ шаҳрида "Ёш чегарачи"лар ҳарбий ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мардлар қуриклайди Ватанни!



Оҳангарон саноат касб-хунара коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Ватан келажаги ёшлар қўлида" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маълумки, тадбиркорларнинг саноат ярмаркалари ва кооперация биржа савдоларида иштирок этиши янги ҳамкорлар топиш ва маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради. Шулар

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий қисми ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоят шаҳар, туманларининг энг иқтидорли ёшларидан 100 нафари иштирок этди.

Мақсад – Ўзбекистон Республикаси "Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгиде Ватан хавфсизлиги, чегараларимиз мустақамлиги учун дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, ватанпарварлик туйғусини тоблаш орқали уларни ўз халқи ва юртига садоқат руҳида тарбиялашдир.

Бекобод шаҳар ва тумани ҳамда Қибрайнинг "Қалқон", Ангреннинг "Чегарачилар", Бўстониқнинг "Ўрмончилар", Зангиотанин "Умид", Чинознинг "Шерюрк", Бўканин "Қалдирғоч" жамоалари мусобақадagi ранг-баранг чиқишлари билан мустақил Ўзбекистонимизнинг эртаси ишончли қўлларда эканини яна бир бор исботлашди. Улар орасида Оҳангароннинг "Энергетик" гуруҳи ёшлари барча кўрсаткичлар бўйича энг билимдон, энг лаёқатли эканликларини кўрсатиб, мусобақанинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Қ. ҒУЛОМОВ олган сурат.

"Туркистон-пресс".

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Тадбирда ёшларни ахборот хуружлардан ҳимоялаш, уларда мафкуравий имунитетни, интернет маданиятини шакллантириш борасида сўз борди.

Ёшларимиз орасида бундай тадбирларни ташкил этиш ижобий самара беради, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилбар Санақуллова. – Негаки, бугунги кунда диний экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишмоқда. Ёшларимизни бундай хуруж ва оқимлардан ҳимоя қилишимиз зарур.

Наргис ҲАСАНОВА.

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

КИЧИК БИЗНЕС: ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ

этиборга олинган ҳолда шаҳар ва туманлардаги 816 та тадбиркорлик субъектига халқаро кўргазма ва тармоқ саноат ярмаркаси ҳамда кооперация биржаларида ўз маҳсулотлари билан иштирок этишига кўмаклашилди.

Айни пайтда вилоятдаги саноат корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларига ҳудудий бошқарма экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, ҳудудий бошқарма кўмагида 10 та тадбиркорлик субъекти хорижий давлатларда бўлиб, замонавий мини технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича 4 миллион 70 минг долларлик шартномаларни имзолади. Бундан ташқари, 85 тадбиркор 12 давлатда ташкил этилган бизнес-форумларда иштирок этиб, хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишувга эриш-



сининг ҳудудий бошқармаси ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқаришда ҳам тадбиркорларнинг энг яқин кўмақчисига айланаётгани эътиборлидир. 2015 йил давомида ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарган 7 миллион 395 минг долларлик маҳсулот экспорт қилингани бунинг тасдиғидир.

Вилоятимиз тадбиркорлари ҳар йили ўтказилаётган аниқлаш "Та-

шаббус" кўрик-танловида фаол иштирок этишмоқда. Зангиота туманидаги "Такро Осие" масъулият чекланган жамияти кўрик-танловнинг 2015 йилги, "Бекобод кўргони" фермер хўжалиги эса

амалий ёрдам самараси ўлароқ айни пайтда палатага аъзо хўжалик юртувчи субъектлар 3640 тага етди.

Ҳудудий бошқарманинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва

бу йилги республика босқичида ғолиб топилди. Бошқарма ўтган йили палата аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, судларга 2839 та даъво аризаси киритди ва унинг 1448 таси ижобий ҳал этилди, 27 та масала судга қадар ечим топди, 1363 та ариза тегишли тартибда кўриб чиқилмоқда.

Ҳудудий бошқарма ва унинг жойлардаги бизнес марказлари тадбиркорларга кўрсатаётган

таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги сайёҳаракати билан шаҳар ва туман касб-хунара коллежларининг уч мингдан зиёд битирувчиси "Ме-

Мухтасар айтганда, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқарманиннг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатаётган хизмат турларини янада кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлари ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ички бозорни рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётди.

Юдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Эшитмадим,
деманглар

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида видеосеминар ташкил этилди.

ТАКСИ ФАОЛИЯТИ НАЗОРАТДА

Таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 2473 та транспорт корхонасида 90 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Улар тасарруфиди 60,7 мингта транспорт воситаси мавжуд бўлиб, шундан 31,4 мингтаси энгил автомобиллардир. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги қарори билан транспорт соҳаси, шу жумладан, автомобиль транспортда йўловчи ташвишлари тартибга солинди. Жумладан, мазкур ҳужжатга кўра, аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи ҳар бир корхона автотранспорти аниқ талабларга жавоб бериши лозим. Яъни, улар лицензия қарточкаси, таксометр, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-қасса машинаси ва тўловларни банк пластик қарточкаларидан қабул қилиш учун терминал билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Айни пайтда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, автотранспорт воситаларида аҳолига ноқонуний равишда пуллик хизмат кўрсатишга барҳам бериш учун Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тегишли ташкилот ҳамда идоралар билан ҳамкорликда назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Республикаимизда амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этмасдан, ноқонуний равишда қирақашлик қилаётган фуқаролар Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1763-моддасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 100 баробаригача миқдорда жаримага тортилиши белгилан қўйилган.

Тадбирда, шунингдек, пуллик транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолиятида учрайдиган масалалар ҳам муҳокама қилиниб, бу борадаги саволларга мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоб берилди.

Ҳозирги вақтда худкуш, террорчи, камикадзе, ўзини портлатиш, теракт содир этиш, ҳижратга шайланмоқ, жиҳодни амалга ошириш каби иборалар интернет тармоғининг сайтларида, жаҳон оммавий ахборот воситаларида кўп бора учрапти. Инсон қиёсасидаги, аслида эса ҳайвонданда ваҳший кимсаларнинг ҳийлаларига алданиб, бундай машъум ҳодисаларни аёллар амалга ошираётгани кишини даҳшатга солади.

Тарих саҳифаларига эътиборимизни қаратсак, XX асрнинг 70-80-йиллари Лотин Америкаси ва Европадаги террорчи ташкилотларнинг асосий қисмини, Германиянинг "Қизил армия фракцияси" ҳамда "Иккинчи июнь" ҳаракатларининг ушдан бирини аёллар ташкил этган. Лекин, бу аёллар жиҳод, худкушлик, яъни ўз жонига қасд қилиш деган тушунчалар билан умуман таниш бўлмаган.

Шри-Ланкада узоқ йиллар фаолият юритиб келган "Тамил-Иламни озод этиш йўлбарслари" ҳаракати аёлларнинг эркаклар билан бир сафда жанг қилиши тарафдори бўлган ва аксарият портлатишларни содир этишда хотин-қизлардан фойдаланган. XX асрнинг 40-йиллари Ҳиндистонда Британия мустамакочилирига қарши курашган кўзғолончилар аёлларнинг бўйнига портловчи моддани ирилиб, душманининг қўшини томон юборганлар.

Давлат раҳбарларининг, сиёсий арбобларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ва қолаверса, оддий инсонларнинг лексиконига "шаҳида аёллар" тушунчаси Фаластин ва Исроил ўртасидаги уруш натижасида кириб келди.

Бошланғич 1-бетда.

Кўлга киритилган маълумотларга асосан, "Толибон ҳаракати", "Ал-Қоида", "Ҳамас", "Ҳизбулло", Шимолий Кавказдаги "Жиҳодчилар", "Исломиёв давлат" каби ўнлаб террорчи гуруҳ вакиллари ўзларининг хунрезликларида аёллардан унумли фойдаланмоқдалар. Асосан улардан маълум худудни портлатиш, бирон нарсани олиб ўтиш ҳамда жангарилар қўлида қўл қилиш мақсадида фойдаланмоқдалар.

Террорчилар ўзини портлатиш усулидан фойдаланишни бошлаганларида

рига зомин бўлиб ҳаёт билан видолашганларга "шаҳидлар" қаторидан "жой берган". "Ал-Қоида" террорчилик ташкилоти Ироқда ўз жонини қурбон қилишга тайёр бўлган аёллардан иборат "Ҳарим ал-Қоида" ("Ал-Қоида аёллари") гуруҳини ташкил қилгани ҳеч кимга сир эмас.

Нега одатда бу усулни амалга ошириш учун айнан аёлларга мурожаат қилинади? Негаки, худкушликни содир этишга шайланган хотин-қизлар ён-атрофдаги инсонларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахсларда

манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илиштириб, бош-қўзини айлан-тириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ноҳўя ҳаракатлар, аввало, муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охири оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур", деб бежиз таъкидламаганлар.

ган террористик портлашларнинг 40 фоизини террорчи аёллар амалга оширган. Жумладан, бу мuddатда 220 дан ортиқ аёллар ўзларини портлатиш орқали минглаб беайб инсонларнинг ҳалокатига сабабчи бўлдилар.

Илк марта аёллар ўзларини портлатиш орқали теракт содир этишлари 1985 йилга тўғри келади. Уша йилнинг 9 апрель кунини Исроил ҳарбий конвойининг юк машинасига урилиб, ўзини портлатган Сурия социал-миллий партиясининг аъзоси, 16 ёшлиқ қиз

га тушиши ва уларнинг ўлжасига айланиши эҳтимоли кўпроқ экан.

Психологларнинг кузатувига кўра, аёллар бирон бир гоё, мақсад учун эмас, балки ҳаётда ўз йўлини йўқотгани, саросимада бўлгани ёки бирон бир қийинчиликка учрагани сабабли бу мuddиш кўчага кириб қоларкан. Ҳаламис кучлар айти шундан фойдаланиб, ҳаттоки гипноз усулини қўллаш орқали уларни ўз сафларига қўшиб олишлари аниқланган.

Чикаго университетининг сисбатшуноси Роберт Пейп сўнгги 25 йилда Ливан, Шри-Ланка, Исроил ва бошқа давлатлардаги худкушлар томонидан содир этилган жами 462 та терактни ўрганиб чиқиб, уларнинг ҳеч бирида диний асоснинг йўқлиги, худкушларнинг аксарияти дунёвий инсонлар бўлганлиги, таҳлил қилинган 462 та терактнинг 48 таси 25 ёшдан ошмаган, жами 220 нафар хотин-қиз томонидан содир этилганини маълум қилди.

Дунёнинг турли жойларида галаён ва кўзғолонларни юзага келтириб, инсонларни кўрқув ва даҳшатга тушишга, йиллар давомида обод қилган, яшаб келаётган уй-жойини ташлаб кетишга сабабчи бўлаётган инсон қиёсасидаги махлуқларнинг қилаётган ишлари қанчалик қабиҳ бўлса, муқаддас динимизни рўқач қилиши унданда разилона-ли бузғунчи кучлар тузоғи-

Сўраган эдингиз

ХОРИЖГА КЕТИШДАН АВВАЛ...

Вояга етмаган ўғлимиз алимент тўлаши керак. Бироқ, иш юзасидан маълум мuddатга хорижга кетаялман. Айтиш-чи, тўловни қандай тартибда амалга оширсам бўлади?

Р. РАИМОВ, тадбиркор.

Саволга Тошкент Давлат юридик университети ўқитувчиси У. Закирова жавоб беради:

Ўзбекистон Республикаси "Оила кодекси"нинг 145-моддасига мувофиқ, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки ўй-дан ортиқ мuddатга чет давлатга кетаётганида қонунга мувофиқ алимент олувчи билан нотариал тартибда алимент тўлаш тўғрисида ёзма шаклда келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) тузиши шарт.

Келишув сабабсиз бузилса, белгиланган мuddатда ижро этилмаса, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 421-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқишни вақтинча чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва қарор нусхаси ижро учун тегишли идораларга юборилиши мумкин.

Ирода НОРОБОВА таъйилади.

Баҳром АЗИЗОВ.

Реклама ва эълонлар

1991 NBU 2016

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий
банки 2016 йилнинг 11 мартдан жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари учун тўланадиган фойз ставкаларининг ошганини маълум қилади:

«Пенсионерлар учун
пластик карточка»
(миллий валютада)

- Фақатгина пенсия маблағларини кинрим қилиш учун очилади;
- Карточкани очиб ва унга хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ахборот (sms, web ва ivr) хизматларини кўрсатиш, қўшимча ҳақсиз амалга оширилади;
- Фойз ставкаси йиллик – 22 %;
- Фойзларни тўлаш ҳар ойда амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефон рақамлари орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Лицензия рақами № 22.

"КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 04.04.2016 йилда берилган, № 1-395/15-сонли ижро варақасига асосан: "Hush Nur Biznes" МЧЖга қарашли, бошланғич нархи - 6 209 537 200 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 20-уй манзилидаги, умумий ер майдони 25110 кв.м.да жойлашган, биноларнинг умумий майдони 14288 кв.м. (ҳужжатли майдони 12632 кв.м. ва ҳужжатсиз майдони 1565 кв.м.)дан иборат "Омборхона бино ва иншоотлари"; 2) Тошкент шаҳри Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 04.04.2016 йилда берилган № 1-395/15-сонли ижро

варақасига асосан: "Working Price" МЧЖга қарашли, бошланғич нархи - 3 141 985 712 сўм бўлган; Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қора Қамиш-2 мавзеси, Мухбир кўчаси манзилидаги, умумий ер майдони 14500 кв.м.да жойлашган "Қурилиш тугалланган ва тугалланмаган бино ва иншоотлари" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йилнинг 17 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақа-

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 7 апрелдаги 12-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида" Қонунининг 23-моддасига асосан:

"SABRINA SERVIS MOBILE" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 000496 рақамли ҳамда "ASADBEK TRANS LYUKS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автомобилларда ва микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 000839 ва 000633 рақамли лицензияларнинг амал қилиш мuddати 2016 йил 8 апрелдан тугатилади.

"Кўп тармоқли кўчмас мулк савдо" МЧЖ шуни маълум қиладики, "Халқ сўзи" газетасининг 06.04.2016 йилдаги № 67-сониди ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 06.04.2016 йилдаги № 28-сониди эълон қилинган: бошланғич нархи - 116 250 000 сўмга баҳоланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, М. Турғунбоева кўчасида жойлашган 73-уй аукцион савдосидан олинди.

Асос: Яккасарой тумани СИБнинг 07.04.2016 йилдаги № 7473/19-сонли ҳати.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини савдо ташкилотчиси - "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИИН 301829604. Автотранспорт воситаси учун тўловларни амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Телефонлар: (95) 177-84-77, 379-91-04. Гувоҳнома 004593.

"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

юк (ўтир. тортувчи) автотранспорт воситаси ҳамда 2013 йилда и.ч., д/р 01 5643 АА бўлган KRONE русумли ярим тиркама (рефрижератор). Бошланғич баҳоси - 400 000 000 сўм.

3. 2013 йилда и.ч., д/р 01 204 NCA бўлган MANTGS 19.390 4x2 BLS русумли юк (ўтир. тортувчи) автотранспорт воситаси ҳамда 2013 йилда и.ч., д/р 01 5660 АА бўлган KRONE русумли ярим тиркама (рефрижератор). Бошланғич баҳоси - 400 000 000 сўм.

4. 2012 йилда и.ч., д/р 01 205 NCA бўлган MANTGS 19.390 4x2 BLS русумли

юк (ўтир. тортувчи) автотранспорт воситаси ҳамда 2013 йилда и.ч., д/р 01 5659 АА бўлган KRONE русумли ярим тиркама (рефрижератор). Бошланғич баҳоси - 400 000 000 сўм.

5. 2013 йилда и.ч., д/р 01 203 NCA бўлган MANTGS 19.390 4x2 BLS русумли юк (ўтир. тортувчи) автотранспорт воситаси ҳамда 2013 йилда и.ч., д/р 01 5642 АА бўлган KRONE русумли ярим тиркама (рефрижератор). Бошланғич баҳоси - 400 000 000 сўм.

Аукцион савдоларида қўйилган автотранспорт воситалари сотилмаган тақдир-

да тақрорий савдолар 6, 13, 20, 27 май кунлари соат 11.00 бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Хоридаги автотранспорт воситалари билан сотувчининг вакиллари иштирокида бевоқифа жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтати-

2016 йил 29 апрель кунини бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида "Турон банк" АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 2016 йил 4 апрель кундаги № 16/01-1801-сонли буюртмасига асосан қўйилган автотранспорт воситалари тақрорий аукцион савдоларида қўйилмоқда:

1. 2012 йилда и.ч., д/р 01 206 NCA бўлган MANTGS 19.390 4x2 BLS русумли юк (ўтир. тортувчи) автотранспорт воситаси ҳамда 2013 йилда и.ч., д/р 01 5640 АА бўлган KRONE русумли ярим тиркама (рефрижератор). Бошланғич баҳоси - 400 000 000 сўм.

2. 2013 йилда и.ч., д/р 01 201 NCA бўлган MANTGS 19.390 4x2 BLS русумли

ДАҲОЛАРНИНГ АВЛОДИ ҲАМ ДАҲО БЎЛАДИ

Биобарин, давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганларидек, ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз.

Худди шу мақсадда қабул қилинган умумий дас-турлар, амалга оширилаётган саноат-харажатлар бугун ўзининг юксак натижаларини бермоқда. Ўртимизда барпо этилаётган минглаб замонавий мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзу мақсад рўйига хизмат қилаётди.

Президентимизнинг 2014 йили 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган билан низоҳатда аҳамиятлидир.

Бугун вилоятимиз аҳолисининг 1,5 миллиондан зиёдини, бошқача айтганда бўлса, қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил қилади. Қувонарлиси, баркамол авлод камолоти йўлидаги улкан ғамхўрлик ва эътибор самараси вилоятимиз ёшлари ҳаётида чуқур из қолдира-япти.

Мана бу айрим рақамларга эътибор беринг. Вилоятимиз спортчи ёшларининг 300 га яқини Жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионларидир. Зуфунга номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган истеъдодли кизларимиз сони 16 нафарга етган бўлса, санъат йўналишидаги изланишлари ва ёрқин ижоди билан кўзга кўринган 10 га яқин иқтидор соҳиблари "Нихол" мукофотини қўлга киритди. Кейинги йилларда таълим йўналишида изланишлар олиб бораётган ёшлардан 10 га яқини фан номзоди, 4 таси фан док-



тори бўлиб етишди. Бир қанча талабалар махсус стипендиялар соҳибиди, тўрт ўқувчи эса Менделеев номидаги халқаро фан олимпиадаси ғолибига айланди. Кейинги йилларда бир гуруҳ ёшларимиз Президентимиз фармонида мувофиқ давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.


Тадбир "Камолот" фаолларининг Амир Темура ва те-мурийлар тарихига оид қизиқарли манбалар асосида тайёрлаган вертуал тақдиротлари билан бошланди. Буюк сулола ҳаётидан олинган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Ёшлар аждодлар ҳаёси олдида бош эгиб, уларнинг шавкатли ҳаёт йўлини ёритувчи ибратли ҳикоялар, шеърлар ўқишди. Бу жиҳатдан айтиш мумкинки, мазкур тадбир, ҳеч муболағасиз, ўзига хос илмий-амалий конференцияга айланиб кетди.

Юртбошимизнинг биз ёшларга қарата "Маррани баланд олинг, ҳеч қачон бўш келманг!" деб айтган сўзлари доим менга куч-қувват бағишлайди, дейди бокс бўйича Осиё чемпиони Элнур Абдураимов. – Хориж ареналарида қўлим баланд келатганининг боиси шун-

да. Ҳозир XXXI ёғи олимпиадага қизгин тайёргарлик қўрайман. Насиб бўлса, албатта, ғолиблар сафидан жой оламан!

Шу кунги анжуман доирасидан "Ҳоким ва ёшлар" лойиҳаси ҳам ўрин эгаллагани айти муболағасиз. Унда иштирок этган вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев ёшлар билан самимий мулоқотга киришиб, уларнинг орзу-мақсадлари, ният ва истаклари билан қизиқди, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди. Ўз навбатида, ҳоким вилоят ёшларини қизиқтираётган масалаларга ҳам батафсил тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

□ Фахр

Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темура таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа уйи билан ҳамкорликда "Амир Темура Фарб адиблари нигоҳида" номли китобни нашр этди.

Китобнинг масъул муҳаррири Акмал Саидов, тузувчи Фулом Мирзо. Президентимиз Ислам Каримовнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" номли асариди дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш ва ўрганиш масаласига жиддий аҳамият бериш зарурлиги қайд этилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Шу маънода, жаҳон адабиётининг дурдоналарини, жумладан, дунё адибларининг Амир Темура ҳақида яратган сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиш гоят долзарб аҳамиятга эга.

"Амир Темура Фарб адиблари нигоҳида" китобида Фарб адабиётининг ёрқин намоёндалари – Кристофер Марло, Йохан Вольфганг Гёте, Эдгар Аллан По, Хорхе Луис Борхес, Иван Бунин, шунингдек, франциялик темиршунос олим ва адиб Люсьен Керен айти мавзуда яратган машҳур асарларнинг ўзбекча таржималари жамланган.

Хуршиджон ҚОДИРОВ,
"Туркистон-пресс" мухбири.

□ Эътибор

– Муסיқага бўлган қизиқишимизни кўрган ота-онам 7 ёшимдан фортепьяно тўғарагига беришди. Ҳозирда кўплаб жаҳон классик мусиқаси дурдоналари ва ўзбек мумтоз наволарини чалишни ўргандим. Сизга ўзим ёқтирган куйларимдан бирини чалиб бераман, дейди Шаҳзода Тошмуродова биз билан суҳбатда.

МАФТУНИНГМАН, САНЪАТ

Шаҳзода Пискент туманидаги 30-Болалар мусиқа ва санъат мактабиди фортепьяно сирларини ўрганоқда. Ўтган йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро болалар ва ёшлар ижодиётига бағишланган "Балтийский берег" танловиди у фахрли учинчи ўринни эгаллади. Қувонарлиси, бу масканда Шаҳзода каби истеъдодли ёшлар низоҳатда кўп экан.

Мактаб Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори доирасида икки йил аввал қайта қурилган.

Барча қулайликларга эга, кенг, ёруғ, шинам хоналарда, жами 300 га яқин ўғил-қиз ўзбек халқ чолғу асбоблари ижрочилиги, эстрада хонандачилиги, фортепьяно, ракс, амалий ва тасвирий санъат каби 14 йўналишда тахсил олмақда. Уларнинг вилоят ва республика миқёсидаги фестивал ва кўрик-танлов-

ларда эришаётган ютуқлари ҳам мақтагулик.

– Авваллари 8 та хонада машғулотлар ўтиларди, дейди муассаса директори Фанижон Юсупов. – Бу дарс ва машғулотларда катта нозқулайлик тўғдирарди. Энди бундай янги ва кўркем масканда ўғил-қизларимиз ўзлари қизиққан санъат тури бўйича пухта билим олиш имкониятига эга бўлишди.

Мактабнинг ҳар бир хонасидан ажойиб оҳанг таралиб туради. Бир-биридан чиройли қизалоқларнинг гўзал рақслари эса кишини нафосат олами сари етаклайди. Муассасанинг 30 дан зиёд малакали ўқитувчилари санъатга ошно ёшларнинг қобилиятларини юзага чиқариш йўлида хизмат қилмоқдалар.

Зеро, санъат азал-азалдан одамларни эзгулик, гўзаллик сари ундаб келган. Чунки унда халқнинг маданияти, бой тафаккури ва қадриятлари жилва қилади. Миллатнинг маънавияти ҳам санъат билан янада улугворлик касб этади.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.



КИРШИНЛАР ОИЛАСИ:

Шу йилнинг февраль ойида фахрий спортчилар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатидан ота-ўғил Евгений ва Юрий Киршинлар ғалаба билан қайтишди. Юқори Чирчиқ туманининг "Маърифат" маҳалласида истиқомат қиладиган бу оилани маҳалла аҳли "спортчилар оиласи" дея таърифлашади. Сабаби оила бекаси Ирина ҳам енгил атлетикачи.

□ Ибрат

Ирина турмуш ўртоғи Евгений билан тумандаги спорт мактабларидан бирида танишган. Спортга бўлган меҳр, қизиқиш сабаби янги оила барпо бўлди. Фарзандлари Юрий ва Максим ҳам ана шундай муҳитда улғайишди.

– Фарзанд ота-онанинг юриш-туришини ўзида тақдорлашга интилади, дейди Ирина Киршина. – Турмуш ўртоғим ва мен мунтазам спорт соҳасида бўлганлигимиз туфайли ўғилларимиз Юрий ва Максим ҳам ортимиздан эргашди. Бундан фахрланиб юраман. Ўртанча ўғлим эса бобоси йўлидан кетиб, пайвандчи бўлди. Шунга қарамайдан, унинг ҳам ҳар кунини спортсиз ўтмайди.

Иринанинг айтишича, спортга кириб келиши тасодифан бўлган экан. Дарсларда узоқ масофани қисқа муддатларда югуриб ўтишини кузатган устози Газул Гезатулин алоҳида машғулотлар ўта бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у



ўқувчилик даврларида кўпгина мусобақаларда иштирок этган. Эришган ғалабалари эса Иринани спортнинг енгил атлетика турига бўлган қизиқишини тобора ошириб борди. У 9-синфда "Спорт устаси" номига эришди. 2011 йил эса Президентимиз фармонида мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Киршинлар тумандаги 7-мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс беришади. Улар ташкил этган гимнастика, ёғи биатлон, югуриш ва дуатлон бўйича тўғарақ-

лар мактаб ўқувчиларининг спортга бўлган қизиқишларини тобламоқда. – Машғулотларга қатнайдиган ўқувчилар сонини чекламаймиз, дейди Юрий Киршин. – Улар билан аввал умумий тайёрлов машқларини олиб борамиз. Сўнг қобилиятларига қараб, алоҳида тўғарақларга йўналтирамиз. Мақсадимиз – спортни кенг омма-лаштириш орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва келажакдаги эгаларини ҳар жиҳатдан ка-

молга етказишдир. Машғулотларни кузатиб турсак, Ирина эса олдимизга бир аёлни бошлаб келди. Ўзини Дилфуза Алларова деб таништирган бу аёл шу мактабда рус тилидан дарс беракан. "Бу Евгенийнинг шогирди, югуриш бўйича 7 йилдан бери ғалабага эришиб келмоқда", деди Ирина

"Агар бизга қайта ҳаёт ато этилса, яна спортни танлардик. Спорт бизни бирлаштирди, ушбу яшашни тасаввур этолмаймиз".

Ирина Киршинанинг бу гапи лавҳамизга муносиб яқун бўла олади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

УЧИНЧИ БОСҚИЧГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 2018 йили Россияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг учинчи саралаш босқичига қуръа ташланди.



Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси "А" гуруҳида Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Қатар ва Сурия терма жамоалари билан курашадиган бўлди.

"В" гуруҳида Австралия, Япония, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Ироқ ва Таиланд терма жамоалари жой олган.

Мазкур саралаш босқичида қитъамизнинг ўн икки давлати терма жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этади. Ҳар бир гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган терма жа-

моалар тўғридан-тўғри Жаҳон чемпионати финал босқичига йўл олса, учинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар уй-сафар тизимида ўзаро иккита учрашув ўтказарди. Мазкур баҳс ғолиби КОНКАКАФ минтақаси вакилига қарши майдонга тушарди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳдаги дастлабки учрашувини 1 сентябрь кун Тошкентда Сурия терма жамоасига қарши ўтказарди.

Б. АЙТУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

□ Баҳор неъматлари

Мамлакатимизда табиий шaroитда ўсадиган кўплаб ўсимликлар мавжудки, улардан табобат ва аҳоли орасида дармондорси сифатида кенг фойдаланиб келинади. Ана шулардан бири "жағ-жағ" деб ном олган ачамбитидир.

Ачамбити ўрта Осиёда кенг тарқалган ўсимлик бўлиб, дўсалар, экинзорлар, йўл четлари, тураржойлар атрофида ўсади.

Бу ўт таркибида гиссининг рағногликзиди, бурсат кислота, ошловчи моддалар, фумарат кислота, олма ва мой кислоталари, холин, ацетилхолин, тирамин, витаминлар, каротин-

«ЖАҒ-ЖАҒ» ҲАМЁНГАЯМ ФойДА

лар, сапонинлар, микроэлементлар ва инсон саломатлиги учун фойдали бошқа моддалар бор. Уруғларида 28 фоизгача ёғ бўлади.

Халқ табобатида ачамбити ўти қон тўхта-тувчи восита тариқасида, шунингдек, бадан жароҳатланганда, иситма вақтида, ичбузилиш ҳолатларида кўп ишлатилади. Жигар, буйрак ва қовуқ касалликларида ҳамда моддалар алмашинуви бузилган кезларда қайнатмани ёки барг пояларидан янги олинган сувини оддий сувга аралаштириб, ичиш буюрилади. Хиндистон табобатида

ачамбити ўтидан кўнгил айнашига қарши, пешоб ҳайдовчи восита тариқасида ҳам кенг фойдаланилади.

Замонавий табобатда ачамбити ўтидан тайёрланган препаратларнинг қон тўхта-тувчи таъсири аниқланган. Барглари қулни фитонцид хоссаларга эга ва ичак ҳаракатларини кучайтиради, экстрактлари эса қон босимини пасайтиради.

Бу ўтнинг даммаси ичбурғ, ўпка сили, юрак, жигар касалликлари, шамоллашда қўл келади.

Ундан қуйидагича фойдаланиш тавсия этилади: – ачамбити ўтининг эзби олинган суви 50

томчидан кунига 3-4 маҳал ичилади;

– янги қурилган ўтдан 2-3 ош қошиқ микдориди олиб, устига 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади ва 1 соат дамбаб қўйилади. Кейин сузиб олиниб, ярим стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади; – 3-4 ош қошиқ ўт устига совуқ ҳолда қайнатилган сувдан 200 мл. қуйиб, 8-10 соат дамбаб қўйилади. Сузиб олиниб, 1 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади.

Аназ ИСЛОМОВ,
Тошда "Ботаника ва агробиотехнология кафедраси" ўқитувчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Мавзунимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида теришти ва сақланади.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ